*Иқтисодиёт*

## «ОЛТИН ТОЖ» УНВОНИГА САЗОВОР БЎЛДИ

***Янги йил арафасида пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган «CV CO LD» масъулияти чекланган жамиятининг аҳил жамоаси Лондонда ўтказилган V Халқаро сифат конвенциясида «Олтин тож» халқаро унвонига сазовор бўлди.***

Мазкур унвон 80 та корхонага берилган бўлса, улар 166 та давлатлардаги 300 та корхоналар орасидан танлаб олинди. Бунгача бўлган босқичда эса ҳаммаси бўлиб 9 ярим мингта даъвогарлар ўз маҳсулотлари билан қатнашишганди.

— Халқаро унвонга сазовор бўлишимиз осон кечмади, — дейди корхона бош директори Шаҳоб Набиев. — Тинимсиз меҳнат ҳамда маҳсулотларимиз сифатиға асосий эътибор — юксак мукофотга эришишимиз омили бўлиб хизмат қилди.

Ушбу корхона 1995 йилдан фаолият юритаётган бўлса, ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида 1998 йилдан республикада биринчилардан бўлиб немис технологияси бўйича черепицалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Ҳозирги кунда корхонанинг 20 нафар малакали ишчи-хизматчилари ҳар ойда уч минг квадрат метр сифатли, чидамли, ишлатишда қулай ҳамда чиройли черепицалар ишлаб чиқармоқдалар ҳамда корхона усталари томонидан улар жойларга бориб, ўрнатиб ҳам берилади.

Эътиборли томони, бугунги кунда республикамизнинг 8 та шаҳарларида корхонанинг филиаллари мавжуд бўлиб, улар ҳам буюртмачиларга сифатли маҳсулотлар тавсия этмоқда.

Янги йилда ҳам корхона тадбиркорлари барча саъй-ҳаракатларини рақобатбардош маҳсулотлари билан мижозларни мамнун этиш ва буюртмачилари сонини кўпайтириш, шохобчалари сонини эса оширишга қаратишмоқчи.

## БАЙРАМ РУҲИ ҲУКМРОН

***Янги йил эшик қоқиб турганида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси хизматларидан фойдаланаётган ҳамшаҳарларимиз бир неча йиллардан буён анъанага айланган — байрамона безатилган самолётлар салонларида парвоз қиладилар.***

Мазкур авиакомпания хизматидан фойдаланувчи йўловчиларни Янги йил руҳи шундоққина сезилиб турган салонда ўзгача файз-тароват кутади. Уларнинг кўнгиллари бир олам шодликка тўлиши ҳамда кайфияти кўтарилиши аниқ. Миллий авиакомпания «Авиасервис» масъулияти чекланган жамияти ходимлари билан ушбу юмушларни амалга оширдилар.

Авиалайнерлар классларига қараб ўзига хос тарзда безатилди. Ҳар бир салонга қорнинг биллур доначалари, «Ўрмон малика»сидан шохчалар ҳамда ажойиб композициялар билан уйғунлаштирилган ҳолда Янги йил руҳи сингдирилди.

Парвозингиз ҳамиша бехатар бўлсин, азиз ҳамюртлар!

**(Ўз мухбиримиз)**

*Нишондорларимиз*

## МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПДИ

***Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар меҳнатсеварлик, касбининг сир-асрорларини яхши билиши, камтарлик каби ажойиб фазилатлари билан кишилар меҳрини қозонади, обрў-эътиборга эришади. Яқинлашиб келаётган Янги йилимиз бўсағасида шундай инсонларимиздан бири билан таништирмоқчимиз.***



Маҳмуджон ака Боқижонов ўз ишини ардоқлаган мутахассис, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор ҳамда дўстлари даврасида ўз ўрни бор инсон. У ишга доимо барвақт келади, келган ҳамониёқ иш жойининг батартиб, саранжом-саришталигига эътибор қаратади. Ўзига нисбатан талабчан, жуда тартиб-интизомли ходим ҳисобланади.

Меҳнатлари муносиб тақдирланиб Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида Республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати учун «Тоштўқимачимаш» заводининг катта устаси Маҳмуджон Боқижонов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

1966 йилда у мазкур корхонага ишчи-токарь бўлиб ишга кирди. Аввалига оддий ҳавас билан иш бошлаган йигит кейинчалик заводдаги йўнувчи, фрезерчи, сайқалловчи каби ўндан ортиқ касбларнинг барчасини пухта ўзлаштириб олди ҳамда уларга ўзгача меҳр-муҳаббат қўйди. У ҳар бир топширилган ишни пишиқ-пухта бажариши, сезгирлиги, чаққонлиги билан ажралиб турди. Қадрдон заводида ишлаб туриб Тошкент Давлат техника университети (собиқ Тошкент политехника институти)нинг механика факультети сиртқи бўлимини муҳандис-механик мутахассислиги бўйича 1977 йилда битирди ҳамда диплом олди.

— Камтарона меҳнатим шунчалик қадрланиб, менга кўрсатилган юксак эътибордан жуда хурсандман, — дейди катта уста, — кечагина ўзим шогирд эдим. Устозларим — Раҳим ака Самиғов (раҳматли) ҳамда Марат ака Хўжаевларнинг доно ўгитларини тинглаб, йўл-йўриқларини жон-дилим билан ўрганардим. Улардан жуда миннатдорман. Бугун эса менинг шогирдларим ҳам эл-юрт хизматида эканликларидан бахтиёрман.

Тартиб-интизомни ёқтирувчи, сидқидилдан меҳнат қилувчи Маҳмуджон ака 37 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзига жуда қадрли бўлиб қолган механика цехида жамоаси олдига қўйилган буюртмаларни ўз вақтида, сифатли, сидқидилдан бажарилишида озмунча ғайрат кўрсатмади. Ҳозирги кунда у меҳнат қилаётган корхонанинг аҳил-иноқ жамоаси республикамизнинг пахта саноатида қўлланилаётган техникаларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беради. Шунингдек, газ босимини бир маромда ушлаб туриш учун мўлжалланган мосламаларга катта буюртмаларни бажаришмоқда.

Бундан ташқари, пойтахтимизнинг шоҳкўчалари, муҳташам бинолар олдига ўрнатилган, уларга кўрк бағишлаб турган 3-4 та лампали чиройли ёритгич устунларини ишлаб чиқармоқдалар. Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси атрофида, пойтахтимизнинг бошқа жойларида ўрнатилган ҳашамдор панжаралар ҳам Маҳмуджон ака ва унинг жамоадошларининг меҳнати самараси ҳисобланади.

— Яқинлашиб келаётган Янги йилимизда ҳамшаҳарларимиз хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига қут-барака тилайман, — дейди нишондор мамнун кайфиятда. — Чунки оиланг тинчлик, тотувлик бўлса, ишларинг бароридан келади. Турмуш ўртоғим Маҳфузахон билан аҳил яшаб, 4 нафар фарзандларнинг камолини кўриб, уларни эл-юртимизга садоқатли инсонлар қилиб ўстирганимиздан бениҳоя шодланамиз.

«Меҳнат инсонни улуғлайди» деб халқимиз бежиз айтмайди. Жамоадаги ишчиларнинг энг яқин устози, меҳнатининг ширин нонини эъзозлаб, ҳурмат қозонган самимий, камтарин инсон Маҳмуджон ака Боқижоновга Янги йилда сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ишларида эса муваффақиятлар тилаймиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БИЛАН

***Юртимизда бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожида улкан ҳисса қўшаётган маҳаллий корхоналар билан бир қаторда, чет эл инвестициялари жалб этилган қўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Ҳамкорлик корхоналаридаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, бунда ҳар икки томон сармояси билан бирга, иккала томон вакилларининг ишбилармонлиги ва тажрибасининг уйғунлиги кўзга ташланади.***

Австрия давлати сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «DESK INVEST» Ўзбекистон—Австрия қўшма корхонасини ўтаётган йилимизда ташкил этилган йирик корхоналардан бири десак хато қилмаймиз. Ушбу корхонанинг таъсисчиси австриялик «Вега Маркетинг» компанияси президенти жаноб Карл Шмидт бўлиб, корхона шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Осиё-гранит» ва «Қурилишбутлашхизмати» масъулияти чекланган жамияти ҳамда тадбиркор, АҚШ фуқароси Марк Хушманд сармоялари ҳисобидан шаклланди.

Металл черепица, турли том ёпиш қопламалари ва ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона Финляндиянинг замонавий техника ва технологиялари орқали йилига 6 минг тонна металлни қайта ишлаш қувватига эга.

Йиғилган металлни турли шаклда кесишга мўлжалланган, компьютерлаштирилган дастгоҳларда тайёрланаётган турли шакл ва рангдаги металл черепицалар, қопламаларда ҳақиқий фин сифати яққол кўзга ташланиб туради. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, яъни цинк ишлови берилган тунука Новолипецк металлургия комбинатидан келтирилади.

Ташкил топганига кўп вақт бўлмаса-да корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизда ўзининг доимий харидорларига ҳам эга бўлди, десак янглишмаймиз. Шунингдек, ҳамкорликдаги корхона маҳсулотларини келгусида Россия, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликларига ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

— Республика инвестицион дастурларига мувофиқ корхонамизга хом ашё харид қилиш учун «Асака» банкининг 3 миллион АҚШ доллар ҳажмидаги кредитлар ажратилди, — дейди «DESK INVEST» қўшма корхонаси раҳбари Анвар Раҳмонов. — Биз бу шароитдан ҳар томонлама мақсадли фойдаланишга интилиб, корхона маҳсулотлари сифатини ошириш ниятидамиз. Ўтаётган 2003 йил биз учун қадрлидир. Кириб келаётган Янги 2004 йил эса корхонамиз олдига қўйган режаларни амалга оширишда муҳим қадам бўлади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Оммавий-ватанпарварлик ойлиги*

## ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШИШДИ

**«Ватан ҳимоячилари куни»га бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойлигида қатор давра суҳбатлари, тадбирлар, ҳарбий қисмларга чиқишлар, музей ва зиёратгоҳларга бўлғуси Ватан ҳимоячиларининг ташрифлари уюштирилмоқда.**

Ушбу ойликка бағишланган тадбир куни кеча Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида туманда жойлашган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги бешта институт талабалари, Политехника касб-ҳунар коллежи, лицей ва мактаб ўқувчилари, туман маҳаллалари оқсоқоллари ва фахрийлари иштирок этдилар.

— Якунланаётган йилда «Ватанпарвар» ташкилоти спортчилари спортнинг техник ва амалий турлари бўйича яхши кўрсаткичларга эришиб, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритдилар, — дейди жумладан тадбирда сўз олган Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шавкат Қамбаров. — Шунингдек ташкилотимиз Обод маҳалла йили дастури асосида иш олиб бориб 20 та маҳаллада «Ватанпарвар»нинг бошланғич ташкилотини тузди. Бу дегани шаҳримиздаги яна 20 та маҳалла ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муқаддас юмушга ҳисса қўшувчи ташкилот иш бошлади.

Тадбир сўнггида қатнашчилар ҳарбий қисм ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Улар аскарларнинг ўқув, машғулот, дам олиш хоналари ва ётоқхоналарини кўздан кечирдилар. Машқ майдонларида бўлиб, офицер ва аскарлар билан дилдан суҳбатлашдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Ўз таассуротларини бир-бирлари билан ўртоқлашаётган бир гуруҳ қатнашчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Бу ердаги ҳаётни кўриб биринчи марта ўзимни Ватан ҳимоячиси, бўлғуси аскар, — деб ҳис этдим, — дейди Политехника касб-ҳунар коллежи талабаси Бахтиёр Зияев. — Аскар ва офицерлар билан бўлган мулоқот чоғида мен Ватанни севиш, ардоқлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканлигини тушундим.

— Менинг эса ҳарбийларга ҳавасим келди. Ватан ҳимоячиси деган юксак номнинг ўзи кишига фахр бағишлайди, — дейди шу коллеж талабаси Алишер Ибрагимов. — Йигит бўлиб она-Ватанни ҳимоя қилишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

*Саноат*

## СИФАТ АНДОЗАЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

***Пишиқ-пухта ва сифатли пойабзалларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганлиги, уларнинг бугунги бозор талабларига жавоб бериши харидорларимизни мамнун этади, албатта.***

Ана шундай оёқ кийимлари, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «VISO» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонасида тайёрланмоқда. Корхонада ҳарбий ва махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар замонавий дастгоҳлар асосида буюртмачиларга тайёрлаб берилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, сифат андозаларига жавоб берадиган корхона пойабзаллари энг яхши маҳаллий ва хориждан келтириладиган хом ашёдан тикилади.

— Буюртмачилар талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда пойабзалларнинг янги нусхаларини яратишда модельер-конструкторларимиз тинмай изланишади, — дейди қўшма корхона раҳбари Рустам Раҳматқориев. — Ушбу оёқ кийимларни тайёрлашда сифатига, иқлим шароитимизга мослигига, қайси соҳа ходимлари кийишига алоҳида эътибор қаратамиз. Сифат ва мустаҳкамлик биринчи ўринга қўйилади. Ҳозирда юртимиздаги жуда кўплаб ташкилот ва фирмалар билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

## ЖАҲОН БОЗОРИДА ТАН ОЛИНМОҚДА

***Бугунги кунда тадбиркорларимизнинг изланишлари боис ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар нафақат ички бозорда ўз ўрнини топмоқда, балки хориж бозорида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.***

Шаҳримиздаги «GREEN WORLD» Ўзбекистон — Америка—Корея қўшма корхонасида тайёрланаётган мева ва сабзавот шарбатлари ҳам Россия, Белорусия, Жанубий Корея, Англия, Украина сингари давлатларга экспорт қилинмоқда. Боиси корхонада унумли ва энг илғор хорижий технология билан жиҳозланган цехларда табиий шарбатларнинг жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқарилишига эътибор қаратилаётганидир.

Жамоа тадбиркорларининг изланишлари, бозор ва харидор талаблари асосида иш юритишлари ўз самарасини бериб, бу ерда янги маҳсулот турлари ҳам яратилмоқда. Махсус мевали пюре, ҳар хил сабзавот консервалари ҳамда жорий йилдан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган йодли маъданли сув ана шулар жумласидандир. Энг муҳими эса ушбу маҳсулотлар маҳаллий хом ашё — жаннатмакон юртимизда етиштирилаётган мева ва сабзавотлардан тайёрланмоқда. Корхона маҳсулотларининг дунё бозорида тан олинаётганлигига ёрқин мисол — унинг Женевада бўлиб ўтган анжуманда Халқаро сифат юлдузи билан тақдирланганидир.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

*Ўтаётган йилнинг энг сурурли лаҳзалари*

## МЕҲНАТИМ ЭЪЗОЗЛАНДИ

**● Ҳикматилла ПЎЛАТОВ, «Сувсоз» трести «Бўзсув» иншооти бош муҳандиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— 2003 йил менинг ҳаётимда энг ўчмас изларини қолдирди. 40 йиллик меҳнатларим самарасини, унинг сурурли лаҳзаларини дилдан ҳис этдим. Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бундан қувонмай, ҳаяжонланмай бўладими?! Халқимизда «Сув келтирган азиз» деган ажойиб ибора бор. Мен буни ўз меҳнат фаолиятимда яққол кўрдим. Одамларга ҳаёт манбаи саналган «оби-ҳаёт» улашиш каби эзгу ишга бош қўшганимдан бениҳоя бахтиёрман. Юксак мукофот мени ҳамиша мустақилликни мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлиги йўлида янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундайди. Ўтаётган йилни қувонч, омадлар йили деб, биламан Янги йилда ҳам барчага яхшиликлар тилайман.

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

**● Аброрхўжа АҲМЕДОВ, «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонаси бош директори:**

— Йилдан йил афзал, дейишади. Агарда астойдил интилсанг, имкониятлардан оқилона фойдалансанг, албатта меҳнат самарасини кўрар экансан. Яхши ниятлар, улкан мақсадлар билан ташкил этилган қўшма корхонамиз ҳамкорларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаб, ички бозорни сифатли, мазали, хуштаъм чой маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида изланмоқда. Натижаларимиз ёмон эмас. 3 йил давомида қадоқланаётган чойларимиз тури 10 хилдан ортиб, улар ўтган йиллар даври якунига кўра «Йилнинг энг яхши чойи» деб топилди. Республикамизда ўтказилган INTER FOOD халқаро кўргазмаси медаллари билан тақдирландик.

Энг муҳими эса қадоқланаётган «Тошкент», «Импра», «Акбар» чойларимиз ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Яна 2003 йилнинг жамоамиз аҳли учун энг ҳаяжонли онлари хусусида тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг ноябрь ойида Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган халқаро танловда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси (SPI)нинг диплом ва олтин медали ҳамда кўкрак нишонини қўлга киритдик. Ана шу юксак мукофотни «Люмьхер» тарихий биносида ўтказилган тантанали маросимда ассоциация президенти Бернар Муссон топшираётганида чексиз ҳаяжонда эдим. Албатта, бундай мукофотлар келгуси ривожланишимиз учун улкан заминдир. Ишонаманки, янги йил янада кутлуғ келади.

## ШУНДАЙ ҚУВОНЧЛАР ТАРК ЭТМАСИН

**● Собит РАСУЛОВ, «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трестининг 2-қурилиш-таъмир бошқармаси бригада бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

— Ўтаётган йилдаги энг катта ишларимиздан бири пойтахтимизда бунёд этилаётган Кичик халқа йўли қурилишида фаол иштирок этганимиздир. Ана шу меҳнатларим муносиб баҳоланиб, юксак унвоним қаторига шарафли мукофот — «Шуҳрат» медали ҳам қўшилди. Бу менинг ҳаётимда ўтаётган йилнинг энг шодиёна лаҳзаларидан бири бўлди. Ниятим эса Янги йилда ҳар биримизни ана шундай қувончлар, муваффақиятлар тарк этмасин .





*Янги йил шукуҳи*

## БОҒЧАДА АРЧА БАЙРАМИ

***Шаҳримиздаги барча ўқув муассасалари, айниқса болалар боғчаларида Янги йил олдидан Арча байрамлари қувноқ шодиёналар ва қизиқарли томошалар билан жуда файзли ўтмоқда.***

Юнусобод туманидаги «Қуёш» номли санаторий типидаги 301-болалар боғчасида ҳам иккита энг кичик ёшдаги болалар гуруҳи иштирокида ташкил этилган Арча байрами томошалари тадбирга йиғилган ота-оналарга ҳам хуш кайфият бахш этди.

Боғчанинг мусиқа раҳбари Наталья Бисик, Людмила Шалигина, Дилдора Абдуазимова, Раъно Акмалова, Феруза Гозиева каби тарбиячиларнинг саъй-ҳаракатлари билан уч ёшгача бўлган ўттиз нафар жажжилар Қорбобо ва Қорқиз билан шўх рақсларга тушдилар, Янги йил тўғрисидаги шеър ва ашулалар ижро этдилар. Қорбобо қўлидан байрам совғаларини олганларида эса болажонларнинг кўнгиллари бир олам қувончга тўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**
**СУРАТЛАРДА:**
**тадбирдан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов**
**олган суратлар.**



*Ҳуқуқ*

## ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

***12 йил давомида Мустақиллик ҳукм сураётган Ватанимизда, миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тикланганини ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, ҳам маънавиятимизни, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.***

Ҳаётимизнинг бугунги босқичида демократлаштириш, тубдан янгиланиш жараёнлари жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олди десак асло муболаға бўлмайди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва унга ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий мақсадидир.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал Кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Бу Президентимиз таъкидлаганларидек, озод, ташаббускор шахсни шакллантириш ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат қуриш, иқтисодиётни либераллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги самарали ишлар ва ниҳоят миллий маданият ва анъаналар билан суғорилган миллий мафкурамизнинг шаклланганлиги натижасидир.

Либерализм бу лотинча сўздан олинган бўлиб, озодлик, эркинлик деган маънони англатади.

Ушбу Қонунда мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартиби қайта кўриб чиқилиб, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш жазо тури чиқарилган.

Бизларга яхши маълумки, бошқа турдаги жиноий жазоларга қўшимча сифатида қўлланадиган ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди. Бундан кўзланган мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйидан, рўзғоридан айириш ва яна энг номаъқули, оиласи, фарзандларини асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди.

Табиийки, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулки ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолган. Аммо қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак.

Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, азаламбор, мана шундадир. Биз отанинг номуносиб қилиғи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу — бизнинг бош мақсадимиздир.

Либерализация қонунининг бу банди бўйича Республикамиз суд-ҳуқуқ тартибот органлари томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Қонун чиқарилгандан кейин ҳали қонуний кучга кирмаган суд ҳукмларининг жазо қисмидан мол-мулк мусодараси тарзида кўрсатилган қўшимча жазолар чиқариб ташланди. Бу билан Конституциямиз билан кўриқланадиган мулк дахлсизлиги принципи амалга оширилди.

**Мансур АБДУҒАНИЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар Чилонзор**
**туман суди раиси.**

**Ёшларнинг Ватанимизга муносиб фарзанд, ҳар жиҳатдан етук инсон, моҳир мутахассис бўлиб камол топиши касаба уюшмалари диққат марказида бўлиб, бу долзарб масалага жиддий ёндошилмоқда. Айниқса, олий ўқув юртларида ёшлар тарбияси муҳим ўрин эгаллайди. Марказий Осиёда етакчи илм даргоҳларидан ҳисобланган, Мустақиллик шарофати билан ташкил топган Тошкент Давлат шарқшунослик институти бўлажак шарқшунос таржимон, иқтисодчи, сиёсатчи, тарихчи мутахассисларни тарбиялаб келмоқда.**

## МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Институтнинг кундалик ҳаёти, устоз-мураббийларнинг руҳияти, талаба-ёшларнинг ўқиш жараёнидаги кайфиятлари бевосита у ташкил топгандан бери фаолият юргизиб келаётган касаба уюшма қўмитасига ҳам чамбарчас боғликдир. Бу боғлиқликни эса илм маскани ўтказаётган бир қанча тадбирлар мисолида намоён этса бўлади. Институтнинг талабалар уйи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Намунали талабалар уйи» деб топилди. Республика таълим ва фан ходимлари марказий қўмитаси талабалар уйини рангли телевизор билан мукофотлади. Бу ерда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат йиғилиши ўтказилди, вазирликнинг кўплаб ходимлари тажриба алмашиб кетдилар. Талабалар уйида ҳамма шароитлар мавжуд бўлиб, касаба қўмитаси буни ўз зиммасига олган. Қўмита бошчилигида туман, шаҳар, республика ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ёшлар билан учрашувлари ўтказиб келинмоқда. Ўқув йилининг ҳар иккинчи чорагида Тошкент Давлат юридик институти фаол талабалари билан биргаликда талабаларнинг илмий-амалий анжуманлари ўтказиб борилади. Институт талабалари Чирчиқ олий танкчи қўмондон-муҳандислар билим юрти билан ҳам яқиндан алоқалар ўрнатган. Институт устоз-ходимлари, касаба қўмитаси талабаларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда бор имкониятларини ишга солмоқда. Касаба уюшма қўмитаси фаоллигида институт кутубхонасига олинаётган кундалик нашрлар ҳам ёшларнинг сиёсий билимларининг ошишига туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, маънавий-маърифий тадбирлар нафақат талабалар, балки устоз-мураббийларнинг фаолиятларини кўтаринки ўтказишга ижобий таъсир ўтказмоқда. Мунтазам равишда нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Конституция куни, Янги йил, Наврўз, Ҳайит байрамлари, буюк аждодларимиз Навоий, Бобур таваллудлари, Шарқ ва Ғарб халқларининг миллий байрамлари кенг миқёсда ўтказилди, бу тантаналарда касаба қўмитаси энг фаол ва иқтидорли талабаларни рағбатлантириб турди. Мисол тариқасида улуғ адибимиз Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда энг фаол 8 нафар талаба икки ойлик стипендия миқдорида мукофотланди. Шаҳримиз саройларида бўладиган ҳар бир концертда, албатта, институт устозлари, талабалари маданий ҳордиқ чиқариб қайтадилар. Йилнинг ҳар фаслида талабалар ва мураббийлар тарихий шаҳарларимиз, тоғли туманларга саёҳатга борадилар. Буларнинг барчаси касаба уюшма қўмитаси фаоллигида амалга оширилмоқда.

Касаба қўмитаси фаолиятини ижтимоий-иқтисодий масалалар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биринчи навбатда талабаларга моддий кўмак кўрсатилади, айниқса талабалар уйида яшаб илм олаётган ҳар бир талаба мунтазам равишда касаба қўмитаси назоратида бўлиб, уларнинг моддий томондан қийналиб қолишларига йўл қўйилмайди. Ҳар бир байрам арафасида институт устозлари, ходимлари, фаол ва иқтидорли, кам таъминланган талабалар рағбатлантириб борилади.

Институт қарамоғида бўлган меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам касаба қўмитасининг доимий эътиборида. Бу йил уларга кўрпа-тўшак, ёстиқ ва мингдан ортиқ китоб, дафтар, ручка, ўйинчоқлар олиб берилди.

Жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш институт касаба қўмитаси раиси Анвар ака Исмоиловнинг доимий чорловидир. Шунинг учун бўлса керак, институт талабалари спортнинг кўпгина турлари бўйича шаҳар, республика миқёсидаги мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, универсиада баҳсларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Улар спорт кийимлари ва анжомлари билан етарлича таъминланганлар.

Бундан ташқари касаба уюшма қўмитаси, институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан биргаликда ёшлар билан ишлашнинг алоҳида дастурини яратмоқда.

**Абдулмунжид ҚОРИЕВ,**
**Тошкент давлат Шарқшунослик институти I-курс магистранти,**
**А.Навоий номидаги стипендия соҳиби**

***Спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда талабаларни спорт мусобақаларига кенг жалб этиш мақсадида П.Боровский номидаги тиббиёт коллежида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.***

## ТАЛАБАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТИ

Билим юртида шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, стол тенниси ва миллий кураш бўйича тўгараклар мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Коллеж талабалари «Алпомиш ва Барчиной» меъёрий тест синовларини ўз вақтида топширдилар. Мазкур ўқув масканида Обод маҳалла йилига бағишланган спорт-шоу тадбири ўтказилиб, унда ўқувчи ҳамда ўқитувчилар фаол иштирок этдилар. Ғолиблар эса касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Коллеж талабалари жамоаси «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг туман ва шаҳар босқичида қатнашиб, шаҳар миқёсидаги беллашувларда эса стол тенниси бўйича тўртинчи ўринни эгалладилар. Спортга нисбатан ёшларнинг меҳрини уйғотишда, спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказишдан ташқари машҳур спортчилар билан қизиқарли, унутилмас учрашувларнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, коллежда оғир атлетика бўйича бир неча бор жаҳон рекордчиси, оғир атлетиканинг мамлакатимизда ривожланишига катта ҳисса қўшган, юртимизнинг фахрига айланган таниқли спортчи, камтарин инсон, устоз-мураббий Эркин Каримов билан талабалар ўртасида ўтказилган учрашув уларнинг қалбидан бир умрга жой олди десак, янглишмаймиз.

Талабаларнинг спорт-соғломлаштириш тадбирларида фаол қатнашиб, соғлиқларини мустаҳкамлашларига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш саройида шуғулланиш истагида мурожаат этган 40 нафар талабага имтиёзли чипталар берилди. Спортнинг талабалар ҳаётининг муҳим ажралмас қисмига, уларнинг севимли машғулотига айланиб бораётганлиги ҳамда ёшларнинг сиҳат-саломатлиги учун хизмат қилаётганлиги қувонарлидир.

**Мавлуда АБДУЛЛАЕВА,**
**П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

## СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИ ЙЎЛИДА

**Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, мамлакатимизнинг спорт шарафини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қиладиган истеъдодли спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга касаба уюшмалари фаолиятида алоҳида эътибор қаратилади.**

Бу борада режа асосида қатор тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиб борилмоқда. Жумладан, бокс бўйича Қўқон шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида вакилларимиз муваффақиятли қатнашдилар. 91 килограммдан юқори вазнда Ж.Матчонов устунлигини намойиш этиб, ғолиб чиқди ва бошқа тўрт нафар вакилларимиз ўз вазнлари бўйича фахрли учинчи ўринларни эгалладилар.

Қўл тўпи бўйича 1987-1988 йилларда туғилган қизлар ўртасида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида муваффақиятли иштирок этган вакилларимиз ғолибликни қўлга киритиб, кучли, эпчил эканликларини намойиш этдилар.

Дзюдо бўйича Қарши шаҳрида мамлакат чемпионати баҳсларида йигит-қизларимиз маҳоратларини ишга солиб ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғоналарини эгалладилар. Жумладан, ўз вазнлари бўйича Т.Кандаурова ғолибликни қўлга киритиб, Б.Очилов, Л.Чаусова, О.Максимова фахрли иккинчи, Г.Саъдуллаева учинчи ўринларни эгалладилар.

Юнон-рим кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги очиқ халқаро турнирда умидли спортчиларимиздан [illegible] Султонов иккинчи, О.Равшанов [illegible] учинчи ўринлар соҳиби бўлдилар.

Кези келганда айтиш керакки, футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларида мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида олти нафар вакилларимизнинг иштирок этганлигини мамнуният ва ифтихор билан тилга олса арзийди.

Бадиий гимнастика бўйича Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда вакилларимиз истеъдодларини кўрсатиб, Р.Алимова, М.Филиппова иккинчи, А.Матвиенко эса тўртинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Наманган шаҳрида ўтказилган «Соғлом авлод учун» республика турнирида Р.Алимов, М.Филиппова ғолиб чиқиб, А.Матвиенко, А.Ажимировалар иккинчи, С.Алиева эса учинчи ўринга кўтарилди.

Спорт гимнастикаси бўйича спорт мактаблари ўртасидаги мусобақаларда касаба уюшма спортчилари муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, Л.Галиулина ғалаба қозониб, Т.Гайфулина эса иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Чимкент шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Л.Галиулина зафар қозониб, О.Гаджиева эса фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Муҳими, эришилган ғалабалар, қўлга киритилган совринли ўринларгина бўлмасдан, спортнинг ёшлар ўртасида тарбиявий роль ўйнаётганлиги ва соғлом турмуш тарзига айланиб, ҳаётимиздан муҳим ўрин эгаллаб оммавийлашиб бораётганлиги қувонарлидир.

**Саидмаҳмуд ЯҲЪЯЕВ,**
**Шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти Кенгашининг раиси.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси бу долзарб масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Шифокор инсонни даволаши учун аввало унинг ўзи жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлмоғи лозим. Бўлғуси шифокорларни тарбиялаб вояга етказишда бу муҳим масала касаба уюшмалари ҳамда олий ва ўрта махсус тиббиёт билим юртлари маъмуриятининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Тошкент шаҳридаги учта олий, олтита ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари касаба уюшмалари маъмурият билан биргаликда режалар асосида тадбирлар ташкил этиб, ҳозирги замон талабларига амал қилган ҳолда тиббиёт ходимлари, айниқса талабалар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантирган ҳолда уларни соғломлаштириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Тошкент Давлат 2-тиббиёт институти касаба уюшмаси штатида бир нафар жисмоний тарбия йўриқчиси бўлиб, бошқа жисмоний тарбия жамоаларида эса уч нафардан йўриқчи жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Тармоқдаги олий ва ўрта билим юртларида тўққизта жисмоний тарбия жамоалари, учта спорт мажмуи бўлиб, жорий йилда Й.Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежида янги спорт мажмуаси қурилмоқда. Тошкент Давлат 2-тиббиёт институтининг спорт мажмуида ходимлар ва талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун иккита теннис корти, баскетбол, волейбол майдончалари, спорт заллари, тренажерлар, кураш ва стол тенниси хоналари мавжуд бўлиб, улар зарур спорт анжомлари билан таъминланган. Ҳозирда мазкур институтда 14 та спорт секциялари мавжуд бўлиб, уларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 400 нафардан ортиқ кишини ташкил этади. Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси тасарруфидаги олий ва ўрта тиббиёт билим юртларида жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар ихтиёрига 11 та спорт заллари, битта сув ҳавзаси ва 15 та спорт майдончалари бериб қўйилган. Тиббиёт ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини юқори малакали тажрибали ўқитувчилар олиб бормоқдалар.

Ўқув йили арафасида ҳар бир ўқитувчи ва талаба тиббий кўрикдан ўтказилади ҳамда улар ўқув машғулотларидан ташқари ўзлари истаган спорт тўгаракл[illegible], жумладан волейбол, баскетбол, футбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, мерганлик каби машғулотларда иштирок этмоқдалар. Йил мобайнида уюштирилган республика ва шаҳар миқёсидаги спартакиадаларда ҳамда мусобақаларда барча олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртлари талабалари ҳамда профессор-ўқитувчи ходимлар фаол қатнашмоқдалар.

Касаба уюшма шаҳар қўмитаси республика миқёсидаги тармоқ спартакиадасида спортнинг енгил атлетика баҳсларида жамоа ҳисобида ғолиб чиқиб, оилавий беллашувлар ва стритбол бўйича эса фахрли учинчи ўринларни эгалладилар. Ҳар йили Бутунжаҳон ҳамширалар кунига бағишлаб шаҳримиздаги П.Боровский номидаги тиббиёт коллежида ўзига хос спорт-шоу тадбирлари ўтказилади. Мазкур спорт-шоуда «Барчиной» ўқувчилар жамоаси, ёш педагогларнинг «Жўжалар» ва маъмуриятнинг «Бўғирсоқлар» жамоалари ўртасида волейбол, баскетбол, қўл тўпи бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Жорий йилда ўтказилган мусобақада «Бўғирсоқлар» командаси ғолиб чиқди.

Спорт тадбирларини ўтказиш тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, 2003 йилда олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида ўтказилган спорт тадбирларига тармоқ касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси томонидан бир миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Жойларда белгиланган режа асосида «Алпомиш» ва «Барчиной» тестлари бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар бўйича махсус стенд ҳамда бурчаклар ташкил этилган. «Алпомиш» ва «Барчиной» меъёрлари режа асосида 100 метрга югуриш, кросс, узунликка сакраш, турникда тортилиш каби машқлардан иборат ўқув курслари ўтказилди.

Ушбу меъёрларга асосан икки мингдан зиёд иштирокчи қатнашиб, шулардан 300 нафарга яқини кўкрак нишонларига эга бўлдилар.

Спорт—тарбиячи, соғлом турмуш тарзини татбиқ этишда яқин дўст сифатида шифокорлар ҳамда талабалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

**Гавҳар ИСЛОМОВА,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг раиси.**

## ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

**Меҳнат аҳли ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутиб, спорт бу борада алоҳида аҳамиятга эгадир**





**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саъй-ҳаракати билан Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида таълим олаётган болалар учун байрам совғаларини топширишга бағишланган тадбир ўтказилди.**



## БОЛАЖОНЛАРГА — ҚОРБОБО СОВҒАЛАРИ

Яшил арча атрофида жам бўлган мактаб-интернатнинг кичик ёшдаги тарбияланувчилари куй-қўшиқларга рақс тушиб, шеърлар ижро этиб, барчага севимли бўлган Қорбобонинг эртакларнинг сеҳрли оламига етакловчи ҳикоялари, самимий табрикларини мароқ билан тинглаб мамнун бўлдилар. Янги йил байрам совғалари билан янада файзлидир. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзибеков азиз болаларни самимий табриклаб, уларга энг эзгу тилакларини билдириб, 330 дона Янги йил байрам совғаларини тақдим этди.

— Мен Шаҳриёр Ориповман, 5 «Б»-синфида ўқийман, — дейди ёқимтойлик билан болалардан бири. — Янги йил байрамини ташкил этиб берган барчага раҳмат. Бизнинг шароитларимиз яхши. Устозларимиздан хурсандман. Улар бизни фарзандларидек ардоқлашади. Шундай устозлардан сабоқ олаётганим учун улар билан фахрланаман.



Синфдошининг фикрини қувватлаб Умида Анорбоева ҳам дилдаги гапларини болаларга беғуборлик билан айтди. «Бу Янги йил байрами менга жуда ёқди. Ҳамма ташкилотчиларга, касаба уюшмаларига бизга эътибори учун раҳмат. Устозларимиздан ҳам миннатдормиз. Келажакда яхши инсон бўлишга ҳаракат қиламан. Катта санъаткор бўлиш орзуим. Ажойиб қўшиқлар билан халқимизга, Ватанимизга астойдил хизмат қилишга интилиб яшайман».

Мактаб-интернатга кириб келгандан бошлаб ўқувчиларнинг одоб билан чиройли ўзбекона салом бериши, каттага ҳурмати, устозига эҳтироми бу тарбия маскани ҳақида бизда ёрқин таассурот қолдирди.

— Ушбу таълим масканига уч йилдан бери раҳбарлик қилаяпман, — дейди мактаб-интернат директори Маҳбуба Эшонқулова. — Икки йил ўқитувчилик қилдим. Болалар Брайль тизимида ўқитилади. Бу даргоҳда боғча, мактаб бўлими бор. Мактаб бўлими билан биргаликда мактаб-интернатда ўз ишини севган ва яхши билган 112 нафар педагог ходим ишлайди. Ўқувчилар иқтидорли, зукко бўлиб, мусиқага қизиқишлари кучли. Шахмат, шашка, она тили, адабиёт, математика, футбол каби жами 10 та тўгаракларда болалар ўз қизиқишлари бўйича шуғулланмоқдалар.

Янги йил байрамида болалар ёшига қараб аввал бошланғич синфлар, ўрта синфдагилар ва битирув ёшидагилар қатнашиши режалаштирилган. Болалар тенгдошлари билан мириқиб дам оладилар. Шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг ҳадя этган байрам совғалари, мактаб-интернатга кўрсатилган эътибор азиз болаларни ғоят қувонтирди, шак-шубҳасиз биз ҳам албатта мамнун бўлдик.

Болаларнинг юракдан чиққан раҳматини эшитганда, уларнинг устозларининг мамнун чеҳрасини кўрганда ҳар қандай кишининг қалби юмшаб, кўзига ёш қалқийди, бирор эзгу, саховатли иш қилгиси келади. Бундай хислат барчамиз учун одат бўлмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Усмонбек ФАТТОҲОВ**

**СУРАТЛАРДА: кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида ташкил этилган хайрия тадбиридан лавҳалар**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## МЕҲР-МУРУВВАТ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ОДАТ

**Инсон дардига малҳам бўлиш, муҳтожларга баҳоли қудрат моддий ёрдам бериш ва бир оғиз ширин сўз айтиш билан кўнглини олиш халқимиз ардоқлаб келаётган ғоят савобли амаллардан ҳисобланиб, касаба уюшмалари фаолиятида катта аҳамият касб этади.**

Кексалар, беморлар, ночор кишиларнинг дуосини олиш, меҳрга ташна болаларнинг қувончига шерик бўлиш, қувончли кўзларини кўриш улуғ бахт бўлиб, бу ҳолатни тасвирлашга қалам ожизлик қилади десак, муболаға бўлмайди.

Эзгуликка интилиб яшаш қалбларни юмшатади, меҳр-муҳаббатни кучайтиради. Муборак Рамазон ойи ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда уларнинг касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ва саховат уйларига меҳр-мурувват ва хайр-эҳсон ёрдамлари кўрсатилди. Жумладан, уларга кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, маданий-маиший моллар, тиббий асбоб-ускуналар, спорт товарлари топширилди. Ушбу хайрли мақсадлар учун касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 2 миллион икки юз ўн минг сўмдан зиёд ҳамда корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан эса 28 миллион тўққиз юз етмиш минг сўмдан ортиқ миқдорда маблағ сарфланди. Бундай эзгу ишларнинг давомли бўлиши, савоб ахтариб яшаш хайрлидир. Шу жиҳатдан фикр юритганда Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми сифатида 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди деб мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Бу эса шак-шубҳасиз юртимиз равнақи, жамиятимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Камтарлик — кишига зебу-зийнатдир. Кимки соддаликда, ўзини тута билишда, кишиларга ҳурмат-иззат кўрсатишда, покизалик ва қаноат бобида юксак ахлоқлилик кўрсатса, у одам камтариндир. Бундай фазилатли кишиларга ҳамма эргашади ва тавозе қилади.

● Мартабанг баланд бўлишини тиласанг, камтар бўл, барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанку, уруғ олдин тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка бўй чўзади.

● Ҳар бир ишни тантанавозлик билан бошлаб, унинг хотимаси яхши бўлса, шод-хуррамлик ва тантана қочмайди.

● Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтди:

— Дунё кезиб, яхши ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно «Мен илмда зўрман», деб керилмайди, мақтанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтарлик, нодоннинг иллати — манманлик. Зағизғон қуш ҳар қанча баланд учган билан лочин бўлмайди, зеро олтин коса синган билан баҳоси камаймайди.

ҲИКОЯТ. Сойда тик ўсган қамиш олтин буғдойзорга қараб гап қотди:

— Ҳой, бошоқ, ўзинг тилладек ярқироқсану, нега энди бош эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ, — бошимда эл дони бор... Ҳаммасини кузда кўрамиз.

Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёрлаб кўзга суртдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

**Димоғингни кўтарма,**
**бўлмайин десанг оёқости,**
**Қамиш кеккайгани учун**
**буйра бўлди-ю, ҳамма босди.**

● Тил ботирлиги қанд едиради, меҳнатга ўрганган ботир қўл доим қанд едиради.

● Қўшнинг — қариндошингни яхши ёмон гап айтиб, кўнглини қолдирма, тонали кунда бошингга иш тушганда бўйнинг хам бўлади.

● Тўғрисўз эгри қулоқларга ёқмайди, аммо тўғри ишлар қилишга юксак ёрдам беради.

● Тўти ҳар қанча кўп гапирса ҳам, уни ҳеч ким одам демайди, чунки у бировдан эшитганини такрорлайди.

● Дили пок, нияти холис одам рост сўзлайди, сўзи пок бўлади.

● Тўғрисўз одам бехавотир яшайди.

ҲИКОЯТ. Бир даврада тил шундай кўп вайсадики, бош чидолмай унга шикоят қилди:

— Намунча эзмаланмасанг, ахир ўйласангчи, эзмаланиб-эзмаланиб сен оғизга кириб кетасану, мен касофатингга қоламан, маломат тошлари менга тегади.

— Э, ахмоқ бош, — деди тил. — Сен ўзинг ўйламасдан мени гапиртирасан, уялганимдан оғизга кириб яширинаманда.

**Байт:**

**Тил илдамидин**
**бўлур ғаромат ҳосил,**
**Юз навъ маломату,**
**надомат ҳосил.**

● Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиш фақат чин инсоннинг қўлидан келади.

---

**Пўлат МЎМИН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИМ МАНИМ

**(Фахрия)**

Дунёда эл қатор
Бир туман бордир,
Тошкентим Тошкенти —
Бир чаман бордир.

Шайхонтоҳур дерлар
Бу маскан — жойим.
Она тупроғим бу,
Етгани пойим.

Азиз-авлиёлар
Ўтган буʼмакон,
Нималар кўрмади
Замин-у замон?

Шайҳованди Тоҳур
Қўйганлар қадам,
Ул зот хаёлимга
Келар дамбадам.

Бу ерда туғилган
Алломалар бор!
Уларнинг ҳар бири
Олий ифтихор.

Хўжа Аҳрор Валий
Яшаб ўтган жой,
Бўлган дерлар уни,
Оламшумул бой.

«Ўтган кунлар»имни
Ёзишга қодир,
Олтин қалам тутган
Абдулла Қодир.

Санъат саҳнамиздан
Айтсам ниҳоят:
Бундан донг таратган
Аброр Ҳидоят.

Бунда Ғафур Ғулом
Топган таваллуд,
Обрўйи таралган
Билмайин ҳудуд.

Ойбек киндик қони
«Қутлуғ қон»и ҳам,
Маконда тўкилган
Аслини билсам.

Бунда Тўйчи Ҳофиз
Булбули гўё —
Бе маҳорат қўшиқ
Айтмаган асло.

Бунда ғазал битган
Хабибий домла,
Мискинни эслайман
Минг эҳтиром-ла.

Ҳаким Назир бобо
Тебратар қалам,
Ўзбек болаларин
Дегандай болам.

Адиб Саид Аҳмад
Бўлди қаҳрамон.
Қадам ташламоқда
Ул тўқсон томон.

Эркин Воҳид ёзган
Бунда «Ўзбегим».
Дунёга танитди
Ўзбек ўзлигин.

Бунда яшаётган
Аҳли фуқаро,
Юртим санъатига
Бермоқда оро.

Зикир Муҳаммаджон —
Қаҳрамон, мамнун,
Туманни кезадир
Пиёда ҳар кун.

Олим Шоислом-у
Шоир Назармат,
Саксон бешдан ошди,
Ҳамон азамат.

Шоир Жуманиёз
Ёзажак ашъор,
Тоҳир Малик эрса
Қиссада донгдор.

Раҳмат Файзий ўтган
«Ҳазрати инсон»
Солиҳ Умар бўлган
Жангда қаҳрамон.

Туман котибидан
Содиқов Толиб,
Тунлари ишлаган
Курсида қолиб.

Кўпларни ўйлайман
Гоҳо бош қашиб,
Бирини мақтасам
Қолар бошқаси.

Бирга яшаётган,
Эй, тумандошим,
Сизга таъзимдадир
Бу кекса бошим.

Гапимни кўчирай
Кўчаларига,
Куёшчалар чиққан
Гўшаларига.

Навоий кўчаси
Ҳамиша гавжум,
Одамлар одамга
Қилгай табассум.

Бу кўча бағрини
Кезганим маҳал,
Тоғдай кўринадир
Барҳаёт ҳайкал.

Олисда намоён
Мангу Тиёншон,
Туманга отадир
Ўша ердан тонг.

Бу кўча аслида
Туман юраги,
Бунда топиладир
Нима кераги.

Бунда эшик очган
Талай вазирлик,
Яхшиликка доим
Кўргай ҳозирлик.

Бинолари эрса
Баланд, муҳташам,
Пойдеворлари-да
Мангу мустаҳкам.

Тун-у кун хизматда
Ойнаи жаҳон,
Консерваторияси
Оҳангга макон.

Хиёбонлар бунда,
Тўйхона жойлар,
Кўнгилни кўтарар
Санъат саройлар.

Миллий театри
Ҳаёт саҳнаси,
Кўрки бор айланма,
Гавжум сийнаси.

«Пахтакор» аталгай
Стадиони,
Гўё туманимнинг
Шарафи-шони.

Келиб қолди дўстлар
Гапнинг жўяси,
Ажойиб бозори —
Эскижўваси.

Қадимий мадраса
Ғиштин Кўкалдош,
Маҳобати бирла
Кўтаргандир бош.

Чорсу меҳмонхона
Баҳайбат бино,
Булоқнинг устига
Ўрнашган бино.

Қадимий Ўрда-ю
Энг сўлим Анҳор,
Мақтаса арзигай
Ҳуснини минг бор.

Уйғур кўчасига
Боқсангиз агар,
Чиндан келажакка
Боқар жилвагар.

Ҳар тонг эшитилар
Кўкчадан азон,
Мусулмон элига
Бу олий мезон.

Машваратлар ўтар
Ушбу туманда,
Оламшумул эрур
Наздим-чамамда.

Салкам элликтадир
Бунда маҳалла,
Нон иси таралгай
Ҳар кун тонг палла.

Барча маҳалланинг
Лойиқ номи бор,
«Биттаси «Тинчлик»дир,
Бошқаси «Илғор»

Бири ибн Сино,
Бири Оқилон,
Барчасин номида
Тарих намоён.

Шунданми дегайлар
Гоҳ Янгиобод.
Барчаси бўлмоқда
Тенгликда обод.

Маҳалла бошлиғин
Дерлар Оқсоқол.
Унга камарбаста
Аҳли дўст — фаол.

Аммо барчалари
Жонин қойитар,
Иш билган оқиллар
Юртин бойитар,

«Илғор» маҳаллада
Иш боши Аҳмад,
Маҳалла аҳлидан
Олгай ул раҳмат.

Ниятим барчаси
Унга тенглашса,
Ёмон бўлмас эрди
Бориб кенгашса.

Маним маҳалламни
Деймиз Ҳувайдо,
Янгилик, яхшилик
Этмоқда пайдо.

Маҳалладошларим
Берадир илҳом,
Умрим ва ижодим —
Этмоқда давом.

Бу туман сут-сувин
Ичаётирман,
Унинг хизматига
Ҳозир, қодирман.

Шайхонтоҳур тумани
Тошкент ўзаги,
Ёқутга ўхшайди
Узук кўздаги.

Бунда яшаганнинг
Покдир нияти.
Тун-у кун хизматда
Ҳокимияти.

Сахийзод фарзандлар
Бўлганда ҳоким,
Покиза сақлагай
Муборак ҳокин.

Иқтидор етганча
Ёздим фахрия,
Туман обод бўлгай
Халқим бахтига.

Шу маконда битдим
Китобим кўпин,
Қадим Тахапуллик
Мен — Пўлат Мўмин.

---

*Танловлар*

## 2003 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАКТАБИ

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ижобий натижаларга эришаётган умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танлови якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 та мактаб иштирок этди.***

Тошкентда бўлиб ўтган беллашувда ушбу мактаблар жамоалари давлат таълим стандартлари асосида ўқувчиларнинг фанлар бўйича билим самарадорлиги, дарслик, ўқув-услубий ва бадиий адабиётлар билан таъминланганлиги, фан олимпиадаларидаги иштироки хусусида ҳисобот берди. Мактабларнинг моддий-техника базаси ҳақида видеолавҳалар намойиш этилди.

Унда замонавий технологиянинг ўқув жараёнига қандай татбиқ этилаётгани, компьютер ва интернет тизимидан таълимда фойдаланилаётгани ҳамда, энг муҳими, нақадар билимли ёшлар тарбияланаётганлигига алоҳида эътибор берилди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-мактаб 2003 йилнинг энг яхши мактаби деб топилди.

**Ўзбекистон банклари ассоциациясида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

## ҒОЛИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Мазкур танлов Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда. Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 39 тасида ташкил этилган ихтисослаштирилган банк синфларида 2501 ўқувчи таҳсил олмоқда. Танлов ана шу махсус синфларда дарс бераётган педагоглар ўртасида ўтказилди. Унда Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Мўътабар Пўлатова 1-ўринга лойиқ топилди. Иккинчи, учинчи ўринлар эса Тошкент шаҳридаги 249-мактаб ўқитувчиси Муборак Қурбонова ҳамда Қўқон шаҳридаги 23-мактаб ўқитувчиси Икрoржон Ўрозалиевга насиб этди.

**ЎзА**




# Азиз ҳамшаҳарлар!

***«Тошкент почтамти» жамоаси Сиз азиз тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини кириб келаётган Янги йил билан чин кўнгилдан қутлайди.***

***Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик-тотувлик, юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилаймиз.***



***Янги йил ҳаммамизга қутлуғ ва баракали келсин!***

